



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“19” август 2021 й. № 02-06/4005

Рекламадан фойдаланувчилар, ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан реклама ахборотларини тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Сўнгги вақтларда интернет ва ижтимоий тармоқларда устачилик ва таъмирлаш хизматларини (темир панжара, эшик, дарвоза, соябон, ошхона мебелларини яшаш) кўрсатувчи кўплаб рекламлар бериб борилмоқда. Борган сари буюртма берувчиларни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш ҳолатлари ҳам ортиб бормоқда.

Бунда, рекламадан фойдаланувчиларга устачилик ёки таъмирлаш хизматларини сифатли, тез ва аъло даражада кўрсатиш ваъда қилиниб, олдиндан тўлиқ ёки қисман тўловлар талаб қилинади, шундан сўнг уларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, пуллари олиб, маълум муддат ғойиб бўлишади ёки ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишади.

Одатда, буюртмадан дарак бўлмагач, миждозлар усталарни қидиришга тушиши, уларнинг устидан тегишли жойларга арз қилиши борасида ижтимоий тармоқларда кўплаб мисоллар келтирилмоқда, бу эса ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг кескин муҳокамаларига сабаб бўлмоқда ҳамда салбий фикрлар билдирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: UG08408272

истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Юқоридагиларга асосан, Агентлик рекламадан фойдаланувчиларни, товар (иш, хизмат)ларни хавфсиз ва самарали эканига тўлақонли ишонч ҳосил қилган ҳолда буюртма беришингиз, заруриятга кўра агентлик мутахассислари билан (1159 қисқа рақам орқали) маслаҳатлашган ҳолда қарор қабул қилишга чақиради.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов